

Мен оилали аёлман. Ҳар ҳафтада ота-онамнинг уйига, яъни қизлик уйимга бораман.

21:21 / 27.04.2016 3954

Мен оилали аёлман. Ҳар ҳафтада ота-онамнинг уйига, яъни қизлик уйимга бораман. Мени интиқлик билан кутган ота-онам яхшилаб меҳмон қилишга ҳаракат қилишади. Лекин, ота-онамнинг дўконлари бўлиб, улар сигарета сотишади. Биламанки у ҳаром ва бундан топилган пул ҳам. Шунинг учун уйга борганимда ўша пулга харид қилинган нарсаларни ейишда иккиланаман. Бундан ҳолатда мен қандай йўл тутишим кераклиги борасида бирор маслаҳат берсангиз, илтимос.

Албатта ота-онани зиёратига бориш, уларга силаи раҳм қилиш, ҳурмат эҳтиром кўрсатиш, эъзозлаш, дуоларини олиш ниҳоятда матлуб нарса. Шунинг учун мана оила қуриб бола-чақали бўлиб кетган кишилар ҳам келинларимиз, қизларимиз ҳам ҳар ҳафтада имконини топганда ота-оналарини бориб зиёрат қилиб туришлари шариатимиз кўрсатмаси, оилаларимиз амал қилиб келаётган нарса. Энди бу ердаги муаммо фарзанд ҳалол ҳаромни ажратиб, ўзининг ҳалол юришлигининг хис қилиб, уйда шуни тадбиқ қилиб турганда, ота-оналари бу нарсани фарқига бормай туриши. Ҳалол ҳаромни фарқламасликлари, ҳаромдан ҳазар қилмасликлари катта муаммога айланади. Ҳақаиқатан сигарета, попирс зарали нарса эканлиги, фойдасиз эканлигини бутун дунё тушуниб етди. Ҳозир тараққий этган давлатларда мана шу нарсани ман қилиш бўйича бир қанча қарорлар чиқмоқда. Одамлар тўпланадиган жойларда чекиш, нақлиёт воситаларида чекишни ман қилиш каби қонунлар чиқмоқда. Шу сигарет ишлаб чиқарадиган ширкатларга катта-катта солиқлар солинмоқда, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Мана яқинда Бирлшган Миллатлар Ташкилотининг баёноти чиқди солиқ тўғрисидаги олиб борилган текширишларида "ҳар йили шу сигарета чекиш, попирс чекиш оқибатида, 5 млн. ўлаётган экан". Бунинг иқтисодий заралари, одоб-ахлоққа етадиган зарарлари, соғлиқ-саломатга етадиган зарарлари сонсиз-саноқсиз. Мана бу нарсани тушуниб, дема сигарета, попирс сотиб пул еғадиган бўлиш мўмин-мусулмонларга мутлақо тўғри келмаслигини англаш керак. Энди саволдаги ҳолатга қайтадиган бўлсак, ўша ота-оналарни дўконида попирсдан ҳам бошқа нарсалар сотиладиган бўлса, балки улар кўпчилигини яъни сотиладиган нарсаларни кўпини ташкил қиладиган бўлса, ота-онанинг попирс сотишдан бошқа ҳам даромадлари

бўладиган бўлса, зиёратга борганда қиз уларни меҳмондорчилигидан есалар бўлади. Ана шу ҳалол топган яъни ҳалолдан топилган маблағдан бўлган деган ният билан. Лекин попирсдан бошқа нарса даромад манбаалари бўлмаса, унда онта-оналарига айтиб, бу нарса яхши эмаслигини, бошқа бир ҳалол пок нарсадан касб қилиш зарурлигини тушунтирсалар одоб билан яна ҳам яхши бўлади. Ҳозир демак бошқа манбаалари бўлса ҳам айтиш керак "мана бошқа манбааларингиз турибди, бу нарсани сотишга эҳтиёжларингиз йўқ, бу нарса яхши эмас шунинг учун попирсни сотишни тарк қилсаларингиз яхши бўлади" деган гапларни одоб билан айтсалар, яна ҳам яхши бўла эди.